

# **УИЛЬЯМ ФОЛКНЕР ИЖОДИДА ОНГ ОҚИМИ ФЕНОМЕНИ**

**Умрзақов Исломжон Исройлович,**

**Наманган давлат университети докторанти**

**Аннотация:** Фолкнер ўз асарларида онг оқими таҳлили усулидан фойдаланиши билан дунёни идрок этишида мумкин бўлган барча оттенкаларни ўз қаҳрамонлари орқали ўқувчига етказиб беришга ҳаракат қиласди. Шунинг учун Уильям Фолкнер ижоди танқидчилар томонидан чуқур мунозаларга сабаб бўлади. Шунга қарамай, унинг асарларида инсоннинг маънавий, руҳий, гайритабиий ҳолатлари мукаммал тасвиранади. Уибу мақолада Фолкнернинг воқеликни бадиий ривожлантириши усули, моддий ва тасвирий воситаларни танлашдаги ўзига хослиги таҳлил қилинади.

**Калит сўзлар:** модернизм, бадиий модел, онг оқими, вақт ва макон, воқеаларнинг спиралсимон ривожланиши, ассоциатив сюжет

Маълумки, Уильям Фолкнер адабиётнинг модернизм йўналишида ижод қилган адиб ҳисобланади. Модернизмга хос умумий хусусиятлардан бири шуки, у объектив воқеликнинг тасвири ўрнига унинг ижодкор тасавvuридаги бадиий моделини яратишни мақсад қиласди. Яъни бу ўринда воқеликни акс эттириш эмас, ижодкорнинг ўз-ўзини ифодалashi устувор аҳамият касб этади. Ижодда субъективликнинг олдинги ўринга чиқарилиши, мантиқий билишдан интиутив билишнинг юқори қўйилиши, инсон ички оламида кечувчи тизгинсиз эврилишларга айрича эътибор берилиши, ижодкор шахс ижодий тахайюли ва у акс эттирган воқеликнинг бетакор ҳодиса сифатида тушунилиши, ўз ўй-ҳисларини ҳеч қандай (маънавий, ахлоқий, сиёсий ва х.) чекловларсиз ифодалаш хуқуқининг эътироф этилиши ҳам модернизмга хос хусусиятлардандир [2]. Ижодий эркинлик нафақат ғоявий-мазмуний, балки шаклий изланишларда ҳам мутлақо дахлсиз. Бу ҳол модернизмдаги бадиий образ структураси, асарнинг субъектив ва объектив ташкилланиши, баён тарзи, сюжет-композицион қурилиши, тил хусусиятлари – хуллас, адабий

асарнинг барча сатҳларида шаклий ўзига хосликларни юзага келтирган. Модерн адабиёт вакили Уильям Фолкнер ижодида ҳам юқорида санаб ўтилган хусусиятлар яққол кузатилади.

Йокнапатофа романлари ва ҳикояларининг деярли барчасида бир хил қаҳрамонларни учратиш мумкин. Йокнапатофа сагасида воқеалар тартибсиз бир-биридан узилган ҳолда тасвирланади ва бу билан антик мифларни эслатади: энг муҳим воқеалар ва қаҳрамонлар ўқувчига олдиндан маълум бўлади, воқеалар ўртадан бошланади, бирдан узилиб қолади. Асарда бир пайтнинг ўзида ҳам қаҳрамоннинг, ҳам муаллифнинг овози эшитилади, бирини биридан ўнлаб йиллар ажратиб турувчи воқеалар ёнма-ён ҳикоя қилинади. Бир хил воқеани турли хил одамлар гапиришади. Фолкнернинг ўзи ҳам аввал такрорланган баёнларга бир неча бор қайтади. Бу ўқувчини ўй-фикрларнинг, хис-туйғуларнинг, тасодифий идрокнинг, кузатишларнинг тартибсиз, алғов-далғов дунёсига чўмишга мажбур қиласиди.

Фолкнер асарларида инсоннинг маънавий, руҳий, ғайритабиий ҳолатлари таҳлил қилинади. Унинг асарларида француз файласуфи, интуитивизм вакили Анри Бергсон (1859-1941) томонидан кашф этилган онг оқими таҳлили усули таъсири яққол сезилиб туради.

Онг оқими адабиётида вақт одатда парчаланган ва ўз йўналишини йўқотган ҳолда тасвирланган: ўтмиш ва ҳозир воқеа-ҳодисалари аралашиб кетади [4; 59] ва бу хусусият Фолкнер ижодини ҳам четлаб ўтмаган. Фолкнер асарларида ҳам вақт ва макон кўп қиррали, ҳозир ва ўтмиш бир-бири билан ўзаро боғлиқ. Романларнинг тили нокулай, иборалар кўп бўғинли, битта гап бутун саҳифага ҳам чўзилиб кетиши мумкин. Аммо буларнинг барчаси расмий усуллар натижаси эмас, балки Фолкнер ижоди органик табиатининг зарурый ифодаси, унинг “садда реализми”дир. Шу орқали адаб дунёни идрок этишда мумкин бўлган барча оттенкаларни ўз қаҳрамонлари орқали ўқувчига етказиб беришга ҳаракат қиласиди.

Фолкнернинг юксак ҳиссиётлар оқими, кўз илғамас моҳирлик, ақлий ҳужум, тушунишдаги мураккаблик, чигаллик ва баъзан илоҳийлик,

ғайриоддийликни ўзида жамлаган асарларида турли-турфа қахрамонлар – собиқ қуллар ёки қул авлодлари, ночор оқ танлилар, дехқонлар ёхуд ишчи жанубликлар ва жанублик зодагонларни учратиш мумкин. Фолкнернинг ижод маҳсули китобхонни ўйлашга, фикр юритишга, мулоҳазага чорлайди. Бироқ, уларнинг мураккаб сюжетлари сабабиданми, ёхуд ҳазми оғир эканиданми кўпчилик китобхонлар бу каби асарларга тўхталиб, аниқроғи, “бош оғритиб” ўтиришни афзал билмайди. Шунинг учун Уильям Фолкнер ижоди мунаққидлар томонидан чукур мунозаларга сабаб бўлса-да, китобхонлар учун ноодатий ва мураккаб туюлади ва шу сабаб кенг оммага доим ҳам маъқул келавермайди.

Фолкнернинг воқеликни бадиий ривожлантириш усули, моддий ва тасвирий воситаларни танлашдаги ўзига хослиги яққол кўзга ташланади. Муаллиф ижодига хос хусусият шуки, асар воқеалари спиралсимон тарзда ривожланиб боради. Қахрамонлар воқеаларни баён этиш давомида, ҳеч қачон бир-бирини такрорламайди, улар ҳар бири муайян воқеа ҳақида ўз нуқтаи назаридан келиб чиқиб ҳикоя қилишади. Уларнинг ҳикояси бир-бирини тўлдириб боради ва айни пайтда ҳар бири у ёки бу воқеага ўз нуқтаи назаридан баҳо беради... Бир қарашда бу бир-бирига алоқасиз парча-пурча лахтаклардек кўриниши мумкин. Аммо романнинг бош мавзуси ўша тарқоқ воқеаларни мантиқан шу қадар боғлаб ташлайдики, у китобхоннинг дикқатини асло chalғитмайди. Турли ёшдаги, турли феъл-атворли, турли қисматли одамларнинг ҳикоялари ягона мантиқ ипига боғланиб, бир-бирини чуқурлаштиради [1; 132].

Фолкнер, энг аввало, Жануб тарихининг салбий томонларини, яъни ирқий хурофот ва диний ақидапарастликнинг ҳозирги қунга салбий таъсирини кўрсатади. Ёзувчига ижобий туюлган ҳар бир нарса (ахлоқий меъёрнинг барқарорлиги, мол-дунёга ружу қўймаслик, анъанавий турмуш тарзи, табиатга ошнолик) гўё ўтмиш тубига сингиб кетгандек, ҳақиқатдан ажralган афсонага айлангандек. Аммо ўтмишни идеаллаштириш ва кўкларга

кўтариш ёмонлик манбаига айланади, чунки у қаҳрамонларни ҳақиқий воқеликдан йироқлаштиради ва идрокини бузади.

Қаҳрамонларнинг дунё билан алоқалари – зиддиятли муносабатлар бўлиб, бу ҳам воқеаларнинг қарама-қаршилигидан, ҳам шахсларнинг ички қарама-қаршилигидан келиб чиқади. Фолкнер асосий эҳтиросни, қаҳрамон ғоясини унинг бутун мураккаблиги билан ўрганади. Жанубдаги ҳал этилмаган ирқий муаммоларнинг рамзи бўлган мулат Жо Кристмас ўзининг на оқ танлиларга, на қора танлиларга тегишлилигини била олмай изтиробда қолади. Квентин ўз туғилиб ўсган ерига бўлган муҳаббат ва нафратдан азобланади. Сатпеннинг режаларида ҳам яратувчан ва ҳам бузғунчи кучлар мужассам.

Онг оқимига хос мураккаб жараённи қофозга тушириш осондек туюлсада, аслида мураккаб ижодий иш. Бу йўналишда ёзилган асар шакли ва услуби аксари ҳолларда ассоциатив сюжетни талаб этади ва у асосий сюжет турига айланади. Ассоциатив сюжет, ўз навбатида, ўзига хос тасвир принципларини талаб этади. Воқелик ривожланиш кўринишида эмас, балки маълум бир яхлитлик тарзида, шаклланиш, тизим, хусусият, асосан ретроспектив планда ўрганиладиган ички алоқалар кўринишида берилади. Асар қаҳрамонлари шаклланган ҳолда яратилади, уларнинг ҳаёт йўллари эса ўтмиш ва ҳозирги замоннинг маълум бир манзаралари орқали қўрсатиб берилади. Шунинг учун қаҳрамонлар гўёки икки планда намоён бўладилар: бевосита роман воқеаларининг вақт рамкалари ичida ва ретроспекция билан қамраб олинган вақтда. Бундан ташқари ҳозирги замон воқеаларининг кўпчилиги ҳам ўтмиш шаклида, яъни улар содир бўлгач тасвирланади. Дунёни фолкнерчасига кўришни худди усти очиқ машинада ортга қараб ўтирган одамнинг дунёни кўришига қиёслаш мумкин. Ҳар сонияда унинг икки томонидан шаклсиз кўланкалар, милтиллаш, ёруғлик нуқталари пайдо бўлади. Масофа узоқлашгани сари бу ноаниқ шакллар дараҳтларга, одамларга ва бошқа предметларга айланиб боради.

Фолкнер ҳаётни бир бутунлик сифатида ўрганади. Аммо, юқорида таъкидлаганимиздек, бу бутунлик кўп қиррали ва зиддиятли. Унинг мураккаблиги турли тадқиқот усулларидан фойдаланишни тақазо этади. Бундай усуллардан бири асарга бир неча ҳикоячини киритишдан иборат бўлиб, бу ҳикоячилар воқеаларни турли томонларини изоҳлайдилар, турли нуқтаи назардан бир воқеани шарҳлайдилар, фактларни объектив ёки, аксинча, субъектив жихатдан баён этадилар, айни пайтда бу орқали ўзларининг ким экани намоён бўлиб боради. Ҳикоячилар бир-бирларига ҳам баҳо бериб борадилар. Шу орқали романларда ҳаётга бўлган ҳар бир қараш таҳлил этиб ботилади, асар қаҳрамонларининг онги, шуури орқали воқеа-ходисаларнинг икки томонлама акс эттирилиши юз беради. Эмоционаллик ва рационаллик, объективлик ва субъективлик, эпиклик ва лирика ўзаро диалектик таъсирга эга бўлади.

Фолкнер ўқувчига ҳақиқатни тухфа этмайди, балки уни излашни кўрсатиб беради. “Ҳеч ким ҳақиқатга тик боқа олмайди. У кўр қиласди. Бир инсон ҳақиқатга қараб, унинг бир томонини кўради, бошқа киши ҳақиқатга қараб худди ўша нарсани бир оз ўзгарган шаклда кўради. Натижада уларнинг ҳар иккиси биргаликда кўрган нарса ҳақиқат деб аталади, гарчи уларнинг ҳеч бири ҳақиқатни асл борича кўрмаган бўлсада”, - деб ёзган эди ёзувчининг ўзи [3; 183]. Фолкнер бир нечта нуқтаи назарларнинг йиғиндиси ўқувчига воқеа-ходисаларнинг ҳақиқий манзарасини чизиб беришда ёрдам беради, деб умид қиласди.

Воқеаларнинг тўғридан-тўғри кўрсатилиши эмас, балки ҳикоячилар томонидан баён этилиши воқеа-ходиса ҳамда унинг баёни ўртасида маълум бир вақт масофасини юзага келтиради ва битта фактнинг турли нуқтаи назарлардан туриб ҳикоя қилиниши ўқувчини бир неча бор яна ўша воқеага қайтишга мажбур қиласди. Вақт яна қайта тикланади ва янги маълумотлар, мазмун-моҳият билан тўлдирилади.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, Уильям Фолкнер жаҳон адабиёти ҳазинасига ўзининг улкан хиссасини қўшди. У асарлари шакли устида

ишлаш давомида инсоннинг руҳий оламига чуқур кириб боришга ҳаракат қилди ва бу йўлда тасвир усулини кенгайтиришга эришди. Ёзувчи XX аср адабиёти поэтикасини “онг оқими”дан фойдаланиш орқали турли нуқтаи назарларнинг ғайриоддий синтезидан фойдаланган ҳолда бойитди.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Болтабоев Ҳ. Эл севган адаб. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2011. – Б. 242. .
2. Холова М. Ўзбек модерн шеърияти поэтикаси. Фал.фан.док. (PhD) дисс. автореферати. – Тошкент. 2018.
3. Adams R.Perill. Faulkner: Myth and Motion. – New Jersey: Princeton University Press, 1968. – P. 250.
4. Ulvydienė Loreta, Buivytė Giedrė. Embodiment of the concept of time in William Faulkner’s As I Lay Dying and Virginia Woolf’s To the Lighthouse.Respectus philologicus. Vilnius Universitypress. Kielce, 2013. №23(28) . pp.58-65.